ҲОСИЛ ЕТИЛМОҚДА * ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ СУСАЙТИРМАЙЛИК * * ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ҲАММА НАРСА ШАЙ БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 153 (6014).

6 АВГУСТ ШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети колхоз ва совхозларнинг чорвачилик юзасидан 1977 йил биринчи ярмидаги социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Қашқадарё областига**, Наманган областининг **Норин районига**, Андижон областининг **Бўз районига**, Жиззах областининг **Фориш районига**, Қорақалпоғистон АССР **Беруний районидаги «Ленинизм» колхозига**, Сирдарё область **Сирдарё районидаги «Правда» колхозига**, Хоразм область **Янгариқ районидаги Киров номли колхозига**, Бухоро область **Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозига**, Фарғона область **Фарғона районидаги У. Юсупов номли совхозига**, Жиззах область **Октябрь районидаги Тимирязев номли куркачилик совхозига**, Самарқанд область **Жомбой районидаги «ХХХ лет Победы» чўчқачилик совхозига, Сурхондарё область давлат наслчилик корхонасига** берилди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи бир нечта хўжаликлар қатори Тошкент область, **Чиноз районидаги Жамбул номли қўйчилик совхозига** берилди.

Бойроқ Бухоро областидаги Свердлов номли қоракўлчилик совхозидан олиб берилади.



ОҚҚЎРҒОН районидаги Навоий номли колхознинг Улуғбек Ишлашов бошлиқ маккажўхорикор бригадаси аъзолари 70 гектар ерга силос учун кечки маккажўхори экиб, 400 центнердан кўк масса олиш йўлида курашмоқда. Суратда: бригада бошлиғи У. Ишлашов билан колхоз раиси Б. Ғаниев экин ривожини кўздан кечирмоқдалар.

Ҳ. Аввалов фотоси.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲИСОБОТ БЕРАДИЛАР

ПИСКЕНТЛИК 60 ЦЕНТНЕРЧИЛАР

МАШҲУР уста пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи Ҳакимполвон Қодиров юбилей йилида 60 центнердан «оқ олтин» етиштиришдек қимматли ташаббус билан чиққандан сўнг унинг издошлари Пискент районида тез кўпайиб борди. 1-«Пискент» совхозининг 2-бўлимидаги ёш, аммо тажрибали пахтакор Абдуқодир Одилов бошлиқ бригада аъзолари бу ватанпарварлик ҳаракатига биринчилар қатори қўшилган эдилар. Механизатор Абдуқундуз Абдураҳмонов, сувчилар Аҳмаджон Мамажонов, Саъдулла Шамсиев, Йўлдош Эшонхўжаевлар ҳар бир агротехник тадбирни қулай муддатда сифатли ўтказаётганлиги туфайли экин кун сайин гуркираб, ҳосил нишоналари кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кундаёқ ҳар бир тупда ўнтагача бўлиқ кўсак, еттигача гул ва кўплаб шона санаш мумкин.

— Ўртача ҳар уч кунда ғўза биттадан кўсак тугяпти, буёғига ишни бўшаштирмаслигимиз керак,— дейди бригада бошлиғи.— Биз ишлов беришни йиғим-теримга қадар кўнгилдагидек олиб борамиз. Ҳозир тўзага шарбат оқизяпмиз.

Район хўжаликларида эллиқцентнерчилик ҳаракати ҳам тобора қизғин тус олмоқда. «Гулистон» колхозидан Фикри Бадалов, 1-«Пискент» совхозидан Обид Отаев, Охунбобоев номли колхоздан Норинбой Ҳасанов, Тельман номли колхоздан Назира Алимбоевалар етакчилик қилаётган бригада коллективлари ҳам эллик центнерлик хирмон учун курашиб, ғўза парваришини намунали давом эттирмоқдалар.

Т. ҚОСИМОВ.

МАШИНАСОЗЛАР ҒАЛАБАСИ

«Ташсельмаш» заводи дарвозаси тепасидаги катта плакат машинасозларга қувончли хабарни маълум қилди. Москвадан олинган телеграммада — иккинчи кварталдаги иш якунлари юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги ҳамда СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ва машинасозлик ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилганлиги муносабати билан илғор коллективга табрик сўзлари ёзилган. Завод Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажара борib, маҳсулот реализация қилиш топшириғини ортиғи билан адо этди — планга қўшимча равишда 65 та пахта териш машинаси тайёрланди.

«Ташсельмаш» ишчилари шу билан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида 23 марта ғолиб чиқдилар.

ҲОСИЛНИ ЎЗ КУЧИМИЗ БИЛАН ТЕРИБ ОЛАМИЗ

ЮБИЛЕЙ йилини меҳнат зафарлари билан нишонлашга, пахта ҳосилдорлигини 42 центнерга етказишга бел боғлаган колхозимиз меҳнаткашлари янги Конституция лойиҳасидан беҳад руҳланиб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Зарур бўлган ҳамма агротехника тадбирларини қулай муддатларда ўтказмоқдалар.

Мўл ҳосил олиш учун бу йилги шароитда ҳар гектар ерда 120 минг туп кўчат сақлаб қолинди. Уни яхши парвариш қилиб йил охиригача сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир картадаги кўчат сони аниқланиб, шу ерда ишловчи тракторчиларга, колхозчиларга, бригада бошлиқларига акт билан топширилди.

Ғўза зараркунандаларига қарши ўз вақтида кураш олиб борилди. Ҳашорат тушган пайкалларни ўз вақтида аниқлаш учун махсус кишилар тайинлаб қўйилди. Улар текшириб ҳашорат тушган жойларга байроқча тикиб кетадилар. Ана шу жойларда ОВХ-14 агрегатлари билан ҳашаротга қарши дори сепилди.

42 центнердан ҳосил олиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу мақсадга ҳар туп ғўзада камида 13—14 тадан бўлиқ кўсак бўлишини таъминлаганда эришиш мумкин. Бунинг учун ғўзани август ойларида, айниқса, яхши парвариш қилиш зарур.

Мўл ҳосил тўплаш минерал ва маҳаллий ўғитлардан ўз вақтида оқилона фойдаланишга боғлиқ. Ғўзага йиллик ўғит нормаси ўз вақтида берилди. Маҳаллий ўғит бериш эса давом эттирилапти. Ҳар гектарга ер шароити ва ғўзанинг ривожига қараб 5 тоннадан 20 тоннагача гўнг солиняпти. Шарбат қилиб оқизилаяпти.

Далага маҳаллий ўғит чиқариш учун махсус бригада ташкил этилди. Бу бригадага 10 та трактор прицепи ва 2 та юклагич агрегати биркитилган.

Ҳозир ғўзани сувдан тоқиқтирмаслик муҳим аҳамиятга эга. Суғориш группа усулида икки сменада олиб борилмоқда. Сувчиларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароит яратилган.

Колхозимиздаги сифат комиссияси яхши ишлаб турибди. Уларнинг тавсиялари билан ҳар ўн кунда барча иш турлари бўйича яхши натижаларга эришган бригадаларга пул мукофоти берилаяпти. Бундан ташқари пахта терими бошлангунга қадар кўчат қалинлигини тўла сақлаб олган бригада аъзоларига 10—15 процент қўшимча ҳақ тўлаш белгилаб қўйилди.

Ана шу каби тадбирларни амалга ошираи ҳолда пахта йиғим-теримига ҳозирлик кўраяпмиз. Колхозимизда 12 та пахтачилик бригадаси бор. Суннат Тошхўжаев бошлиқ бригада аъзолари 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан, Баҳром Умаров, Иззат Исмоилов бошлиқ ёшлар бригадаси 50 центнердан, Муисар Абдуллаева бошлиқ бригада аъзолари 45 центнердан ҳосил етиштиришга ваъда бериб астойдил ишламоқдалар.

Юбилей йилида етиштириладиган 3425 тонна ялпи ҳосилни четдан ишчи кучи жалб этмай ўз кучимиз, ўз техникамиз билан териб оламиз. Шундан 90 процент ҳосил машинада терилади. Колхозимизда 15 та «Зангори кема», 3 та кўсак терадиган ва 4 та кўсак чувиладиган машина бор. Улар мавсумга тайёр.

Машина терими икки сменада ташкил этилади. 15 та терим машиналарида ишлаётган Абдулла Оллоёров, Асрор Собиров, Ваҳиз Илёсов, Турдимурот Абдураҳмонов, Норпўлат Нишонов, Хусан Алимов сингари 30 азамат механик ҳайдовчиларимиз бор.

Машиналарнинг унумли ишлаши пахта ҳосилдорлигига ҳам боғлиқ. Халқимизда қозонда бўлса чўмичга чиқади, деган гап бор. Ўтган йили ҳар гектар ердан 39,7 центнердан ҳосил олинган, ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 187 тоннадан пахта терилган эди. Бу йил эса колхозчиларимиз ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш, механик ҳайдовчиларимиз эса ҳар бир машина билан 200 тоннадан пахта териш учун курашмоқдалар.

Ғўзани ўз вақтида чеканка қилиш, ғўза қатор оралариии ёввойи ўтлардан тозалаш, ўсимликни машинабоп қилиб парвариш қилиш машиналарга кенг йўл очиб беради. Биз учта машина ва 300 колхозчи кучи билан ғўзани ўз вақтида чеканка қилиб олдик.

Ҳар сафар сувдан сўнг яна ёввойи ўт чиқаверади. Улар ғўзанинг озуқасига шерик бўлмаслиги, эркин ривожланишига таъсир қилмаслиги учун сувдан ва культивациядан кейин қолхозчиларимизни сафарбар этиб, карталарни тозаламоқдамиз.

Машина териминиг унумли бўлишини таъминлаш мақсадида дефолиацияни ўз вақтида сифатли ўтказилишига ҳаракат қилиняпти. Биз ғўзада 2—3 тадан кўсак очилганда дефолиацияни бошлаймиз. Дефолиация ОВХ-14 машинаси билан бажарилади. Бунинг учун зарур дефолиантлар тайёрлаб қўйилди. 11 та асфальтланган хирмон, тош-торози ва бошқалар тайёр.

Хуллас, ялпи ҳосилни ўз кучимиз, ўз техникамиз билан четдан ёрдамчи ишчи кучлари жалб этмай териб олиш учун ҳар томонлама тайёрлик кўраяпмиз.

Терим даврида колхозчи аёлларнинг болалари учун 6 та кўчма, 2 та марказий болалар боғчаси ишлаб туради. Механизаторларга ҳақ тўлаш, социалистик мусобақа тадбирлари белгилаб қўйилди. Кўчма Қизил Байроқ, вимпеллар ташкил қилинади. Мақсадимиз 1 октябрда халқ хўжалик планини ва 10 октябрда социалистик мажбуриятни бажаришдан иборат. Ҳозир бутун эътибор ана шу ниятга эришиш, шоили юбилейни ёруғ юз билан қутиб олишга қаратилган.

Мутал АБДУЛЛАЕВ,
Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз раиси,

Баҳром СУЛТОНОВ,
бош инженер,

Чинғўлат ЖЎРАЕВ,
бош агроном.

110 ЦЕНТНЕРДАН ДОН

Ҳакимжон ДЎНАНОВни ем-хашак бригадасига бошлиқ қилиб сайлашди. Энди маккажўхорикорлик бригадасини ким бошқаради. Эплайдиган йигит топилармикан? Мажлисда у ана шу ҳақда ўйлаб ўтирарди. Кимдир Ҳакимжон илгари бошчилик қилган бригадани Раҳматжонга топшириш ҳақида таклиф киритди.

Бу Ҳакимжонга жон бағишлади. «Ўзим ҳам шу йигитни мўлжаллаган эдим» дея хаёлидан ўтказди у. Сабзавотчилик бригадасида ёмон натижаларга эришмади. Ютуқлари учун «Урал» мотоцикли билан мукофотланди.

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

— Энди ўзингиз ёрдам бериб турасизда, Ҳакимжон ака,— деди Раҳматжон йўлда.— Бу соҳада ҳали биз ғўрмиз.

— Ташвишланманг, ука. Қўлдан келганини аямайман. Икковимиз биргалашиб, ҳосилдорликни кўтарамиз.

Шу кундан бошлаб, икки бригадала ҳам иш қизиб кетди. Тез орада Раҳматжон Ортиков қишлоқ Советига депутат қилиб сайланди. Ишлари янада кўпайди. Шунда Ҳакимжон жонга аро кирди.

Орадан икки йил ўтди. Дўстлар ҳамон бамаслаҳат ишламоқдалар. Бригадалараро мусобақа уюштирилган. Ярим йиллик якуни бўйича Ҳакимжон бошлиқ азаматлар пландаги 1730 тонна ўрнига 1850 тонна ем-хашак тайёрлаб йиллик планни ошиғи билан бажариб қўйдилар. Раҳматжон бошлиқ бригада аъзолари эса экинлар парвариши, унга намунали ишлов бериш бўйича мусобақада ғолиб чиқиб, Калинин район комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Бу бригадада 5 киши ишлайди. Ҳаммаси комсомоллар, меҳнаткаш йигитлар.

Улар эрта баҳорда ҳар гектар ерга 500 килограммдан аммофос ва шунча селитра солишди. Ҳалемай уруғ бир текис униб чиқди. 6 марта сув берилди. Қатор ораларига ишлов бериш, оби-ҳаётга қондириш юқори агротехника қоидалари асосида олиб борилди. Ўз вақтида культивация қилинди. Ҳозирда эса терим комбайнлари, трактор ва прицеплар сифатли қилиб ремонтдан чиқарилган. Бригада аъзолари ўримни 10 кун ичила якунлаб, бир грамм ҳам «қаҳрабо дон»ни нобуд қилмай териб олишга қарор қилганлар.

...Ваъдалашиб олгандай Ҳакимжон билан Раҳматжон бугун одатдагидан эрта йўлга чиқишди.

Пайкалга етгунча улар ўз режалари билан ўртоқлашиб кетдилар. Аввал Ҳакимжон гап бошлади:

— Агар 22 гектар ернинг ҳар гектаридан 600 центнердан кўпроя олсак, планни 200 процент қилиб бажарган бўламиз. Ўйлайманки, бу қўлимиздан келади.

— Биз ҳам областимиз маккажўхорикорларининг ташаббусига қўшилиб, 110 центнердан дон ҳосили олмоқчимиз,— дея суҳбатни давом эттирди Раҳматжон.

— Иш натижаларини ҳисоб қилиб борямиз. Бир гектар ерда 55—60 минг туп кўчат сақлаб қолинган. Ҳар тупидан ўртача 200 граммдан дон олинса, кўзланган мақсадга эришишимиз аён.

Яқин кунларда Раҳматжон Ортиқов бошлиқ бригада аъзолари етиштирган «қаҳрабо дон»ни комсомол миллионига қўшилади. Бригада аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб совға билан қутиб оладилар.

О. БОБОЖОНОВ,
Куйбишев номли колхоз.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ҲАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 5 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан бери.

Калинин	**0,2**	**100,5**
Оржоникидзе	1,1	95,4
Пискент	2,7	94,9
Оҳангарон	0,5	90,3
Бекобод	0,4	88,3
Оққўрғон	0,2	85,0
Қуйи Чирчиқ	—	84,8
Чиноз	0,1	84,3
Бўка	0,1	84,2
Тошкент	2,4	84,0
Юқори Чирчиқ	0,3	82,2
Ўрта Чирчиқ	0,1	81,4
Янгийўл	0,2	73,0
Бўстонлиқ	0,8	70,7
Область бўйича:	0,7	87,3

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

Тошкент областидаги «Кибрай» совхозининг бирламчи вино тайёрлаш заводига узумнинг мускат ва бошқа навларидан дастлабки тонналари топширилди. Корхона узумни саноат асосида қайта ишлашни республикадаги бошқа заводларга нисбатан олдинроқ бошлаб юборди. Бу ерда маҳсулот сифатини ошириш имкониии берадиган юқори унумли асбоб-ускуналар ўрнатилган, янги технология жорий этилган. Бу янги технологияни Тошкент политехника институтининг мутахассислари ишлаб чиқишди.

Хўжаликда бу йил ўн минг тонна узумни қайта ишлаш, юз минг декалитрдан кўпроқ вино ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми Тошкент корхоналарига топширилади.



БЕКОБОД районидаги Дзержинский номли колхоз фермасида жами 900 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 200 бошн соғин сигирлардир. Уларнинг соғлом бўлишн ва сифатли маҳсулот беришн қатъий назорат остига олинган. Суратда: (чапдан) чорвачилик бригадири А. Жуманов, зоотехник И. Асроиқулов ва ферма ҳисоб чиси М. Қоплоновлар.

Т. Маҳкамов фотоси.

МАВСУМГА ШАЙЛАНМОҚДАЛАР

«Қўқорол» совхози Бўка районидаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Совхоз аҳли бу йил 2270 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Илгарилари ҳосилдорлик 13—14 центнердан ошмаганлигини, ўтган йили эса 22,2 центнерга етганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, 30 центнерлик марра кўкоролликлар учун анча юксакдир.

Бу совхозда ҳам ташаббускор пахта усталари ҳаракатига қўшилиб яхши натижаларга эришишга интилаётган бригадалар сони кўпайиб бораяпти. Аъзам Абдураҳмонов гектаридан 33 центнердан ҳосил олиб бултур совхозда энг юқори кўрсаткичга эришган эди. Бу йил бригада аъзолари 45 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Илимдор Исаев бошлиқ бригада аъзолари ҳам уларга қўшилишди.

Мирхолдор Холбоев, Баҳши Искандаров, Сулаймон Расулов бошлиқ бригада аъзолари 35 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. Булар ҳам совхозниг табиий шароити ноқулай бўлган ерларидан юқори ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлаётган пешқадам пахтакорлардан.

Йўлчи Тошхўжаев совхозниг тажрибали бош агрономи. У бу йил ҳосилдорликни ўтган йилга нисбатан қарийб саккиз центнерга ошириш имконини берувчи омилларни шундай изоҳлайди.

— Деҳқоиларимиз маҳорати ошган сари деҳқончилик маданияти ҳам юксалмоқда. Шунинг учун ўтмишдаги бўз ерлар аста-секин пахтакорлар измига бўйсунмоқда.

Бу йил барча майдонга 90х7 схемасида чигит экилиб, 130 минг туп кўчат сақлаб қолиниди. Шу кунларда далага 8 минг тонна гўнг чиқариб, ғўзага шарбат усулида оқизиляпти. Хуллас, барча зарур агротехника тадбирларини энг қулай муддатларда ўтказиш учун ҳаракат қилиняпти. Ғўзанинг ҳозирги аҳволи бизга катта умид бағишлаяпти. Агар ишни бўшаштирмасак, шубҳасиз кўзланган мақсадга эришамиз.

Совхозда ғўза парваришини давом эттириш билан бирга пахта йиғим-теримига ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Совхоз механизаторлари ялпи ҳосилнинг 74 процентини машинада териб беришга аҳд қилганлар. Шу ниятда улар мавжуд техника воситаларини мавсум бошлангунга қадар тўла тахт қилиб қўйиш учун техника ремонтини жадал давом эттирмоқдалар.

Совхозда 71 та «17 ХВ-1,2» маркали пахта териш машинаси бор. Шундан ҳозиргача 60 таси, 10 та кўсак терадиган машинанинг ҳаммаси тўла ремонтдан чиқариб қўйилган. 120 прицепдан 100 таси, 15 та кўсак чувиш машинасидан 13 таси мавсумга тайёр.

— Тер тўкиб етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай тез ва сифатли териб олиш учун машина теримини икки сменада ташкил қилмоқчимиз,— дейди совхозниг бош инженери Хўжа Алимбетов.— Малакали механизатор кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида аҳамият бермоқдамиз. 71 та машинани икки сменада ишлатиш учун 140 механик ҳайдовчи керак. Ҳозир эса 113 механик ҳайдовчи бор, холос. Механизатор кадрлар етишмаслигини ҳисобга олиб, механизаторлик касбига ихлосманд ёшлардан 30 киши учун олти ойлик курс очилди. Курсда совхозимиздаги мутахассислар амалий машғулот ўтказадилар. Бу ёш механизаторлар механик ҳайдовчиларга ёрдамчи бўлиб ишлайдилар.

Совхоз коллективи юбилей йили ҳосилини қисқа муддатда нобуд қилмай териб олиш, социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солмоқда.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ КОНСТИТУЦИЯСИ

М. А. ШАФИР,

СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, юридик фанлари доктори

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳар бир асосий босқичига мувофиқ, янги Конституция ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Социалистик давлатнинг вужудга келиши 1918 йилда қабул қилинган биринчи Совет Конституцияси — РСФСР Конституциясида ифодасини топди; ССР Иттифокининг ташкил топиши СССРнинг 1924 йилги Конституцияси билан, СССРда социализм ғалабаси 1936 йил Конституциясининг қабул қилиниши билан қонуний тарзда мустаҳкамланди.

Ҳаётимиз асосий қонунининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳамиша жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бунинг боиси шуки, ҳар бир Конституция социалистик демократияни ривожлантиришда янги давр бошланганлигидан далолат берди. Коммунизм қураётган ривожланган социалистик жамиятнинг тарихий ҳужжати — СССРнинг янги Конституцияси ҳақида гап бораётган ҳозирги пайтда буни таъкидлаб ўтиш жуда муҳимдир. Ривожланган социалистик жамиятни барпо этиш коммунизм қуриш йўлидаги қонуниятли босқичдир. Бизнинг социалистик жамиятимиз совет кишиларининг бир қанча авлоди орзу қилган ва рўёбга чиқариш учун интилган нарсаларни мужассамлантирди.

Мамлакатимизнинг экономикаси ўтган йиллар мобайнида гоят ўзгарди. Ҳозирги вақтда бу экономика қудратли халқ хўжалик организмидан иборат бўлиб қолди. Кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи таркиб топди. Бизнинг давлатимиз пролетариат диктатураси давлатидан ҳукумхалқ давлатига айланди. Совет халқининг тарихий ғалабаларини акс эттирган Конституция лойиҳасида ривожланган социалистик жамиятнинг барча асосий хусусиятлари, унинг сиёсий ва иқтисодий системаси, социал тараққиёти ва маданияти, ташқи сиёсати қонуний тартибда мустаҳкамланиб берилади. КПСС XXV съезднинг йўл-йўриқларига мувофиқ ишлаб чиқилган ана шу жуда муҳим ҳужжатда коммунистик жамият қурилишида совет халқининг асосий қуроли бўлган умумхалқ социалистик давлатининг моҳияти, вазифалари ва функциялари кўрсатиб берилган. Ривожланган социализмнинг тобора ўсиб, аста-секин коммунизмга айланиш умумхалқ давлатининг зиддашувини эмас, балки мустаҳкамланишини, бу давлатнинг барча оғили, ташкилотчилик имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқариш ва улардан тўла-тўкис фойдаланишни кўзда тутади. Бу эса умумхалқ давлати демократик асосларининг чуқурлашиб боришидан, омманинг онги ва активлиги муттасил ўсиб бораётганлигидан, давлатни бошқаришда тобора кенг иштирок қилаётганлигидан ҳам далолат бериб турибди. Бизнинг мамлакатимиз социалистик демократизм асосидагина энг муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал эта олади, жамиятнинг манфаатларини тўлиқ ҳисобга ола билади. Социалистик демократия бир томондан, ижтимоий эҳтиёж ва талабларни аниқлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни вужудга келтиради, иккинчи томондан омманинг ақл-идроки, хоҳиш-иродаси, ғайрат-шижоатини ана шу эҳтиёж ва талабларни қондириш мақсадида энг мақбул йўлларни қидириб топиш учун сафарбар қилишга кўмаклашади.

Асосий қонун лойиҳасида СССРда бутун ҳокимият халқникидир, деб таъкидлаб ўтилган. Халқ давлат ҳокимиятини Совет Иттифоқининг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари советлари орқали амалга оширади. Советлар давлатнинг бошқа органларидан устун эканлиги уқтириб ўтилади. Давлатнинг бошқа ҳамма органлари Советлар назорати остида ишлайди ва Советларга ҳисоб бериб туради. Шу билан бирга халқнинг давлат ҳокимиятини демократизмнинг турли формалари орқали бевосита амалга ошириши ҳам кўзда тутилади. **«Давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари,** — дейилади лойиҳанинг 5-моддасида, — **умумхалқ муҳокамасига чиқарилади, шунингдек умумхалқ ўртасида овозга (нефередумга) қўйилади».** Бевосита халқ ҳокимияти формалари жуда кўп. Умумхалқ ўртасида муҳокама қилиш ва референдумлардан ташқари сайлов, меҳнаткашларнинг иш жойида ва истиқомат қиладиган жойларида ўтказиладиган йиғилишлар, қишлоқ йиғинлари, сайловчиларнинг депутатларга бераётган наказлари ва ҳоказолар шундай формалардандир. Ҳозирги вақтда бу формалар кенг ривожланди. Улар вакиллик системаси самараларини тўппа-тўғри ва бевосита демократия самаралари билан амалда бирга қўшиб олиб бориш имкониятини туғдиради. Уларнинг моҳияти чинакам оммавийлик, халқчилликни таъминлаш, меҳнаткашларнинг суверен хоҳиш-иродасини аниқлаш ва рўёбга чиқаришдан иборат.

Коммунистик партиянинг жамият ва давлатимиздаги раҳбарлик роли барча социал жараёнларни самарали бошқариш, социалистик ижтимоий муносабатларни планли равишда коммунистик муносабатларга айлантиришнинг зарур шартидир. СССР сиёсий системасининг негизи бўлмиш КПССнинг раҳбарлик ва етакчилик роли бу лойиҳада аввалги Конституцияларга нисбатан кенгроқ баён этилган.

Меҳнаткашларнинг оммавий жамоат ташкилотлари давлат ҳокимиятининг мақсадларини рўёбга чиқаришда ҳамиша партиянинг ёрдамчилари, давлат ҳокимиятининг энг яқин ва доимий ходимлари бўлиб келдилар ва шундай бўлиб қоладилар. Лойиҳада бу ташкилотларга катта ўрин берилган, жамоат ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг аҳамияти ва обрў-эътибори янада баланд даражага кўтарилган.

Асосий қонун лойиҳасида совет жамиятининг сиёсий системаси ҳақида берилган таъриф бу система тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаш билан тугалланади (8-модда). Жамият ва давлат ишларини бошқаришда меҳнаткашларни тобора кенгроқ қатнаштириш, давлат аппаратини такомиллаштириш, жамоат ташкилотларининг активлигини ошириш, халқ контролини кучайтириш, давлат ва жамоат ҳаётининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, қилинадиган ишлардан халқни кенгроқ хабардор қилиб туриш, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олиб бориш совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир. Буларнинг ҳаммаси умумхалқ социалистик демократиясини янада ривожлантиради ва чуқурлаштиради.

Лойиҳа 1936 йил Конституциясининг ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулклиги СССР иқтисодий системасининг негизидир, деган принципиал қоидасини сақлаб қолади, давлат социалистик мулкни қўриқлайди ва уни кўпайтириш учун шароит яратиб беради.

Лойиҳа СССР халқ хўжалигини ривожлантиришдаги янги босқични акс эттириб, мамлакатимизнинг экономикаси Совет Иттифоқи территориясидаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, тақсимот ва айирбошлашнинг барча бўғинларини ўз ичига олган яхлит халқ хўжалик комплекси эканлигини таъкидлаб кўрсатди. Марказлаштирилган раҳбарликни корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг хўжалик юритишдаги мустақиллиги ва ташаббускорлиги билан бирга қўшиб олиб бориш каби муҳим асос ҳам белгилаб берилган. Эркин меҳнат жамоат бойлигини кўпайтириш, халқ фаровонлигини, ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини ошириш манбаидир.

Кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш — социализм шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эканлиги тўғрисидаги қоида ҳаётимизнинг асосий қонуни лойиҳасига биринчи марта киритилди. Бу мақсаднинг конституцион йўл билан мустаҳкамлаб берилиши социалистик ижтимоий ишлаб чиқариш монополияларининг энг кўп фойда олишига бўйсундирилган капиталистик ишлаб чиқаришдан тамомила фарқ қилганлигини яққол кўрсатиб беради.

Меҳнаткашлар коллективларининг ишлаб чиқаришни бошқариш ва ижтимоий ҳаётдаги роли тўғрисида лойиҳада баён этилган қоидалар КПССнинг принципиал йўлини амалга оширишда янги қадамдир.

«Социал ривожланиш ва маданият» боби амалдаги Конституцияга нисбатан тамомила янги боблар. Бу боб социалистик давлатнинг жамият маънавий ҳаётидаги ролини тўлиқ акс эттириш, унинг инсонпарварлик характерини яққол кўра билиш имконини беради.

Ривожланган социалистик жамиятда халқнинг моддий фаровонлиги доимо ўсиб боради, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун тобора қулай шароитлар вужудга келади. Бу эса **«давлат ва шахс»** деган бобда аниқ-равшан акс эттирилган. Бу бобдаги моддалар 1936 йил Конституциясининг **«Гражданларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида»** деган бобидаги моддаларга нисбатан икки баравар ортиқдир. Шу нарсанинг ўзиёқ партия ва давлат олий социал бойлик сифатида шахснинг манфаатларига жуда катта эътибор бераётганлигини, шунингдек шахснинг эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ўсганлигини яққол кўрсатиб турибди. К. Маркс билан Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести»да «...ҳар бир кишининг эркин ривожи ҳамма кишилар эркин ривожланишининг шарти» эканлиги ҳақидаги принципни илгари сурган эди. Конституция нормаларида ўз ифодасини топган ҳаёт, социалистик воқеликнинг ўзи бизнинг жамиятимиз шу принципга мувофиқ ҳаракат қилиб бораётганлигини намойиш қилади. Бизда ҳар бир кишининг фаровонлиги тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилиши ва ҳамманинг фаровонлиги ҳақида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши кишилар феъл-атворининг энг зарур нормаси бўлиб колди. Бундай ғамхўрлик Янги Конституция лойиҳасида аниқ-равшан ифода этилди.

Лойиҳа гражданларга гоят кенг ва реал ҳуқуқ ҳамда эркинликларни бериш ва уларни гарантиялаш билан бирга ана шу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш ҳар бир граждайнинг жамият ва давлат олдидаги ўз бурчларини яхши тушуниб олиши билан чамбарчас боғланганлигини ҳам уқтириб ўтади.

Асосий қонун лойиҳасида эришилган ва қўлга киритилган нарсалар қонуний тартибда белгилаб берилиши ва жамиятимиз ҳамда давлатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи тўла таърифлаб берилиши билан бир қаторда муайян программавий қоидалар ҳам баён этилган. Лойиҳада синфсиз коммунистик жамият қуриш — Совет давлатининг олий мақсади эканлиги аниқ белгиланган, шунингдек социалистик демократияни, жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ривожлантиришнинг асосий йўллари кўрсатиб берилган.

Асосий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатнинг сиёсий ҳаётида муҳим босқичдир. **«СССР Янги Конституциясининг қабул қилиниши,** — деб таъкидлади Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумида қилган докладида, — **мамлакатнинг сиёсий тарихида муҳим босқич бўлиб қолади. Бу эса ленинчи партиямизнинг, бутун совет халқининг коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга ва шу билан бирга — бутун дунё меҳнаткашларининг озодлик учун, инсонийлигинг тараққиёти учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашдан иборат интернационал ишга қўшадиган яна бир тарихий ҳиссаси бўлади».**

(ТАСС).



Бекобод райони маркази Зафар посёлкасидаги тиш даволаш поликлиникасининг ходимлари аҳолига кўнгилдагидек хизмат кўрсатишяпти. Ҳозир жойларда учта тиш даволаш пунктлари ҳам ишлаб турибди.

Суратларда: поликлиниканинг бош врачи Э. Холмирзаев ва медицина ҳамшираси С. Алиматова бемор билан суҳбатлашмоқда (юқорида); врач стоматолог М. Давлатов (ўртада) ва тиш техниги В. Расулов иш устида.

Т. Маҳкамов фотолари.

ҲАР САТРИ — БАХТ ТИМСОЛИ

ЗАРИФА Гойназарова урушдан кейинги йилларда пахтачилик звеноси, бригадасига бошчилик қилди. 1960—62 йилларда район партия комитетининг инструктори, кейин эса район ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1968 йилда Энгельс қишлоқ Советига раис қилиб сайланди.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза медали ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. СССР янги Конституциясининг лойиҳаси ҳақида у мана шундай юрак сўзларини айтди:

— Мен ўзим босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлаганимда жамиятимиздаги демократияни чуқур ҳис этаман. Оддий ўзбек аёлиман. Ўқиб билим олдим. Кейин уни халқ фарзандларига таълим беришга сарфладим. Пахтачилик звеноси бошлиғи бўлиб қишлоқ Совети, район Совети депутатлигига сайландим. Партия ва ҳукуматимизнинг ўзбек хотин-қизларига бўлган эътибор ва ғамхўрлигини жуда кўп марталаб кўрдим.

Агар шундай бахтиёр замон бўлмаганида, «сочи супурги, қўли косов» бир бечора аёл бўлишим табиий эди. Мамлакатимиз ўзининг 60 йиллик юбилейини қаршилаётган ва СССР янги Конституцияси лойиҳаси меҳнаткашлар томонидан қизғин муҳокама қилинаётган шу қутлуғ айёмда шуларни ўйлаб, қалбимни шукроналик туйғулари эгаллайди.

Колхозчи Ортиқ Рамазонова область Советига, пилладачилик бригадаси бошлиғи Жамила Товхидова, боғча мудираси Салима Азимқулова, педагог Хатира Мустаевалар эса қишлоқ Советига депутат қилиб сайланишган. СССР Олий Советининг депутати Ортиғой Шералиева, унинг ўнлаб издошлари, халқ ҳурматига сазовор кўплаб аёлларимиз ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилишаяпти.

Конституция лойиҳасини муҳокама қилар эканмиз, ҳаёт тарзимизга яна назар солдик. Замон жуда илгарилаб кетди. Тўқ, фаровон яшаяпмиз. Ўн йил олдин қишлоғимиз аҳолиси 6 мингга етиб етмас эди. Ҳозирги кунда бу ерда 8 мингдан зиёд киши истиқомат қилаяпти.

Мисол учун Галавотир қишлоғидаги ўзгаришларни олайлик. Бу ерда янгидан ўрта мактаб ва физкультура зали, медицина пункти қурилди. Димитров ва Тельман кишлоғида эса доимий ишлайдиган болалар боғчалари фойдаланишга топширилди. Дегантепа, Қизил байроқ қишлоқлари водопроводлаштирилди. «Партия XXII съезди» колхози марказида маданий-маиший бинолар қад кўтарди.

Қишлоғимиз келажаги янада порлоқ. Хутор системаси тугатилиб, марказлашган, гўзал қишлоқ вужудга келмоқда. Территориямиздаги колхозлар тасдиқланган бош планга асосан қад кўтармоқда.

Янги Конституция лойиҳаси олдимизга янги уфқларни очиб беради. Унинг ҳар бир сатрини тўлқинланмасдан ўқиб бўлмайди. Менинг ўзим аёл бўлганим учун: 53-моддадаги қуйидаги мисралар кўнглимдан чуқур жой олди.

Болалар муассасаларининг кенг шохобчаларини барпо қилиш ва ривожлантириш, маиший хизмат кўрсатишни ва умумий овқатланишни ташкил этиш ва такомиллаштириш, кўп болали оилаларга нафақалар ва имтиёзлар бериш, бола туғилганида нафақа тўлаш йўли билан давлат оилаларга ёрдам беради.

Шу ўринда ўз фикримни билдирмоқчиман. Колхозчи аёллар, айниқса механизаторларнинг кўпчилик вақти далада ўтади. Эрта кетиб жуда кеч қайтишади. Шунинг учун ҳам юқоридаги моддага: «колхозлардаги болалар боғчалари иши мавсумга қараб икки сменада ташкил қилинади» — деган жумла киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу механизатор аёллар ишини енгиллаштириб, уларнинг сафини кенгайтиришга хизмат қилган бўларди.

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ХИММАТ

ТОШКЕНТ область Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон районлари ҳаваскор артистларининг концерти республика пойтахтидаги Ленин комсомоли номли паркда муваффақият билан ўтди. Оҳангарон район маданият уйи оркестри, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, «Қуюн» ансамбли халқ ва замонавий ашула ҳамда рақслари, қардош республикалар композиторларининг асарларини ижро этди.

Тошкентдаги Пушкин номли паркнинг очиқ театри республика кўригининг лауреати — Янгийўл маданият уйи маҳкомчилар ансамбли нхтиёрига бериб қўйилди. Янгийўл шаҳрининг, шунингдек Бекобод, Пискент, Олмалиқ шаҳарларининг парклари Улуғ Октябрининг 60 йиллигига бағишланган катта концерт қўйиб берган минг-минглаб ҳаваскор артистларни қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ИЛМ ВА АМАЛИЁТ ҲАМКОРЛИГИ

УЛУҒ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб меҳнат тўёнаси билан кутиб олишга интилаётган совет халқи яна бир тарихий воқеанинг шоҳиди бўлди. Бу СССР янги Конституцияси лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва умумхалқ муҳокамасига қўйилишидир. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг кўп минг кишилик коллективи ҳам ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлган СССР Конституциясини зўр қизиқиш билан муҳокама қилиб, тўлатўкис маъқулламоқдалар.

Маълумки, халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғи илм-фанга таянади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштиришда, саноат корхоналарида иш жараёнларини такомиллаштиришда ҳам илмий-текшириш, конструктор-лойиҳалаш институтлари, бюролари ҳамда Олий ўқув юртларида ижодий изланаётган олимларнинг самарали меҳнатлари бор. Бинобарин, фан мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришда бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолди. Партия ва ҳукуматимизнинг илмий-техника тараққиётини ҳар томонлама ривожлантириш борасида белгилаётган муҳим тадбирлари туфайли фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси янада мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда олий ўқув юртлари кўплаб малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга, айни бир вақтда чинакам йирик илмий-тадқиқот ўчоқларига ҳам айланиб қолди.

СССР Министрлар Совети «Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида олимларнинг халқ хўжалигининг турли соҳаларини янада юксалтиришни таъминлашга доир илмий вазифаларни ҳал қилишда актив қатнашишлари зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. СССР янги Конституцияси лойиҳасининг 14-моддасида **«Кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг тўлиқ қондириш социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадидир.**

Давлат меҳнаткашларнинг ижодий активлигига, социалистик мусобақага, фан-техника тараққиётининг муваффақиятларига таяниб, меҳнат унумдорлигини ўстиришни, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва иш сифатини оширишни, халқ хўжалигининг узлуксиз ва муттасил ривожланиб боришини таъминлайди» деб таъкидлаб ўтилган. Дарҳақиқат, институтимиз ижодий коллективи ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларига етук инженер кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда катта иқтисодий фойда келтирувчи илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келмоқда. Ҳозир институтда иккита проблема ва битта таъмоқ лабораторияси ва 150 дан ортиқ кафедра ишлаб турипти. Ўтган беш йилликда элликка яқин мавзуда тадқиқотлар амалга оширилди. Республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган бу илмий-тадқиқот ишлари турли министрликлар, ташкилот ҳамда муассасалар билан тузилган шартномалар асосида олиб борилди. Фаннинг химия, геология, автоматика каби соҳаларидаги илмий изланишлар айниқса яхши самаралар берди. Полимер материаллари проблемаси лабораториясида профессор М. Асқаров раҳбарлигида бажарилган тадқиқот натижалари қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтирди. Янги хил полимер плёнкасини ҳосил қилишнинг бу технологияси ўзига яшил йўл топди. Мазкур кашфиёт Оҳангарондаги пластмасса буюмлари комбинатида жорий этилди. Корхонада кўплаб тайёрланаётган полимер пленкалари хозир пиллачиликда кенг фойдаланилмоқда. Ижодий изланишлар самараси туфайли йилига 200 минг сўмлик иқтисодий фойда кўриш мумкин бўлди. Бундай ишлар кўлами йилдан-йилга ортиб боряпти.

Ҳозирги давр ҳар бир студентдан илм-фан, техника сирларини чуқур эгаллаш, уни муфассал тафаккур эта билиш билан ижодий ривожлантириш, фан оламида ихтирочи, ижодкор, ёхуд моҳир ишлаб чиқариш мутахассиси бўлиб етишиш учун катта билим ва малака эгаси бўлишликни тақозо этмоқда. Шу сабабли янги Конституциянинг 45-моддасига ўзгартириш киритилишини таклиф этардик. Бу моддада **«СССР граждалари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар»** дейилади. Шунингдек, асосан ўрта ҳунар-техника, ўрта махсус ва Олий таълимни ривожлантиришни ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан боғлаш асосида олиб бориш хусусида фикр юритилади. Бизнингча шу ўринда **барча ёшларга таълим беришни кун сайин, соат сайин ўсиб бораётган фан-техника тараққиётининг сўнгги муваффақиятлари билан боғлаб олиб бориш зарурлиги** ҳам таъкидлаб ўтилса айни муддао бўлур эди. Дарҳақиқат, бирон бир соҳанинг муносиб инженери бўлиш учун ёшлар студентлик давриданоқ ҳамма билимларни чуқур эгаллашлари, илмий темаларда рангбаранг кузатишлар олиб боришлари керак бўлади.

Республикамизнинг ҳамма Олий ўқув юртларида студентларнинг илмий жамиятлари ташкил этилган. Бу жамият аъзолари бўлмиш минглаб студент-ёшлар замонавий асбоб-ускуналар билан мукаммал жиҳозланган лабораторияларда самарали илмий кузатишлар олиб бормоқдалар. Студентлар илмий ишларининг аксарияти ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг кўпгина жараёнларида муваффақиятли жорий этилмоқда.

Давлатимиз асосий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши институтнинг ўқитувчилари, студентларини ва ходимларини янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Бу муҳим ҳужжат совет кишиларининг фаровонлигини юксалтиришга, турмуш маданиятини ўстиришга, халқларнинг янада бахтли яшаши ва порлоқ истиқболини таъминлашга қаратилган улкан ғамхўрликдир.

Ш. НУРУЛЛАЕВ,
Беруний номидаги Тошкент политехника институти аспиранти.



Тошкент районн марказида меванн қайта ишлайдиган «Келес» заводи мудатидан олти ой илгари ишга туширилди. Корхонада ҳар йили 5 минг тонна мева шарбатн ишлаб чиқарилади. Суратда: завод участкала рининг бирида (ўнгда), лаборатория технологи Шоира Эргашева анализ қилиш учун шарбат олмоқда.

Г. Пун ва И. Чернов фотолари. (ЎзТАГ).

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАМИЗ

Ҳосилга ҳосил қўшишнинг энг муҳим ва масъулиятли даври бошланди. Августда ҳар бир кўчатда мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўплаш муқаддас бурчимиздир. Биз ўтган ойларда қилинган ишларни яқинда атрофлича таҳлил қилиб чиқдик. Маълум бўлишича ўн гектар ердаги экинимизнинг аҳволи унчалик яхши эмас. Сув меёридан ортиқча бериб юборилганлиги сабабли ғўзадаги ҳосил шоҳлари кам. Баъзи ерлар ғовлаб кетган. Бундай майдонларни қўшимча равишда икки марта ишлашни белгиладик. Айниқса, ғўзани маҳаллий ўғитлар билан озиклантириб шарбат оқизамиз. Культивациянинг сифатига эътиборни кучайтирамиз. Колхозчиларимиз билан маслаҳатлашиб, яна бир марта чеканкани кўздан кечирамиз.

Ўтган йили ака-ука механизаторлар Турсун ва Абдулла Эргашевлар 180—160 тоннадан «оқ олтин» теришган эди. Уларнинг бу йилги мажбурияти яна ҳам баланд. 200 тоннадан пахтани «зангори кема» бункерларидан тўкишга сўз беришган.

Колхозчиларимиз ва механизаторларимизнинг ғайрат ва шижоат кўрсатганлари туфайли бултур 15 иш кунида планни бажарган эдик. Бу йил 12 иш кунида планни бажариш ниятидамиз. Ҳозир ҳар бир шохда 10—11 тадан кўсак бор. Ой охиригача уларнинг сонини яна ҳам кўпайтириб, камида гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» топшириш учун курашямиз.

Ҳ. ТЎРАХЎЖАЕВ,
Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи.

ТЕРИМ ТАРАДДУДИ

ЯНГИБОЗОР, (Тошкент области), 4 август. (ЎзТАГ). Оқолтин райони пахтакорларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган ташаббусини Юқори Чирчиқ районидаги хўжаликлар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Терим мавруди кунларида бу ерда пахтани йиғиштириб олаётган ва ташийдиган ўнта отряд ва дон учун маккажўхорини йиғиштириб оладиган еттита отряд ишлайди. «Оқ олтин»ни териб оладиган ҳар бир отрядга 15 та пахта териш машинаси, ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш учун 75—90 транспорт прицепи, кўчма техникавий устахона, далада механизаторларга малакали хизмат кўрсатадиган автомашина бириктириб қўйилади.

Районда пахта терадиган 224 та машинанинг ҳаммаси муддатидан илгари ремонт қилиб қўйилди. «Политотдел», «Правда», «Ленинский путь», Свердлов номли колхозларда «зангори кема»лар «яхши» ва «аъло» даражада ремонтдан чиқарилди.

Юқори Чирчиқ районининг пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига 8 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнер дон ҳосил олишга ва йиғим-терим мавсумини 15 октябргача тугаллашга аҳд қилдилар.

ЭРТАГА—БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ





СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан бениҳоя руҳланган ва Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунини муносиб совғалар билан нишонлаш учун ўзаро мусобақалашган Тошкент тепловоз депосининг айрим машинистлари меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришдилар. Айниқса, тепловоз машинисти коммунистик меҳнат зарбдори Эргаш Исломов (чапда) ва машинист ёрдамчиси Анатолий Шейн меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришдилар. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ЭКОНОМИКАМИЗ ҚОН ТОМИРИ

ТЕМИРЙЎЛНИ экономикамиз қон томири деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам у мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати темир йўл ва унинг барча хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш, бу касб эгалари меҳнатини енгиллаштириш, фаровонлигини ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Мамлакатимиздаги барча пўлат из механизмлари қатори бизнинг бўлинмамиз коллективи ҳам ана шу ғамхўрликка жавобан фидокорона меҳнат қилмоқда. Давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун, халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш учун тинмай курашмоқдалар, янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

Барча темирйўлчиларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол қатнашмоқдалар. Улар республика пойтахти ва Тошкент области экономикаси йил сайини тез суръатлар билан юксалиб боришини ҳисобга олиб, темирйўл шохобчаларини такомиллаштириш, юк ташиш, ортиш ва туширишни қўпайтириш ва суръатини тезлаштиришга интилмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу йил халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташишга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида юк оборотини 1975 йилдагидан 226 миллион тонна-километр, пассажир оборотини эса 27 миллион пассажир—километр кўпайтириш юзасидан белгиланган вазифанинг бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Халқ хўжалик юкларини жўнатиш эса 4,1 процент ортади ва 25 миллион тоннадан кўпроқни ташкил этади.

Юк ташиш ҳажмини кўпайтириш асосан ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ҳисобига эришилади. Шумилов, Октябрь, Яланғоч, Дарвоза, Жилга станцияларида янги технологик жараёнлар жорий қилинади. Олмалиқ шаҳридаги темирйўл шохобчалари кенгайтирилади.

Бундан ташқари, локомотивларнинг ремонт ва эпкировка базаларини ривожлантириш тезлаштирилади. Бунинг учун Тошкент локомотив депосида тайёрлов цехлари блоки, шунингдек тепловозларни экипировка қилишнинг ўйғунлашган пункти қурилади. Шумилов, Узбекистон станцияларида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилади.

Йўловчиларни ташишни ташкил этиш янада такомиллаштирилади. Бу соҳада қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент пассажир станциясида ёзги мавсум бошланиши олдидан дастлабки 12 та «Волхов» маркали билет босиб чиқарадиган машиналар ўрнатилди. Кутиш зали, янги справка-ахборот системаси билан жиҳозланди. Бундан ташқари, йўл қуриш ва уларни ремонт қилиш ишлари ҳажми тобора кенгайиб бормоқда.

КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган коллективимиз беш йилликнинг дастлабки йилида катта-катта меҳнат зафарларига эришдилар. Халқ хўжалик юкларини ташиш, пассажирларга хизмат кўрсатиш анча ортди. Ҳаракатдаги составдан фойдаланиш яхшиланди, вагонларнинг бекор туриб қолиши анча камайди.

Темирйўлчиларимиз ўртасидаги меҳнат беллашувида ўнлаб коллективлар, ишлаб чиқариш илғорлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Эртага нишонланадиган байрамимиз арафасида ана шу илғорлар номини зўр гурур билан тилга оламиз. Поезд диспетчерларидан Т. Гришко, А. Ҳайитмуҳамедовлар шулар жумласидандир. Улар поездларнинг тез ҳаракат қилишини ташкил этишяпти, ҳаракатдаги составлардан самарали фойдаланишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Юк ортиш-тушириш ишлари механизациялаштирган дистанциясининг В. Огрин, Ш. Ражабов, А. Оллоназаров каби ажойиб меҳнатсеварлари ҳақида фақат илиқ сўзлар айтиш мумкин. Улар ўз ихтиёрларидаги механизация воситаларидан самарали фойдаланмоқдалар. Айниқса юк ортиш-тушириш ишлари суръатини оширишда касбдошларига намуна бўлишяпти.

Тошкент тепловоз депоси машинистларидан Х. Исмоилжонов, В. Уланов, Д. Фозилов, И. Гусак ва бошқалар мусобақа голиблари сафида боришмоқда. Улар оғир юкли поездларни моҳирона бошқаришяпти, Халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга тез ва соз етказиб беришяпти. Айни вақтда тежамкорликка алоҳида эътибор беришмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бири йигирма тоннагача дизель ёнилғини иқтисод қилиб қолишди.

Коллективимиз Ангрен станцияси ходимлари билан ҳақдаги ravishda фахрланадилар. Станция темирйўлчилари кончилар билан ҳамкорликда ишлаб, ёқилғини ортиб жўнатиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти. Бу йил қўшимча 50 минг тоннадан кўпроқ кўмирни истеъмолчиларга етказиб бердилар.

Коллективимиз эртага нишонланадиган ўз байрамларини айрим техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича яхши ютуқлар билан нишонлашяпти. Кўпгина дистанциялар, станцияларнинг ишчи-хизматчилари давлат планларини тўла ва знёдаси билан адо этишяпти. Юк ортиш, тушириш ва жўнатиш топшириқларини муваффақиятли бажаришяпти. Лекин бу йил ва умуман ўнинчи беш йилликда олдимизда катта вазифалар турипти. Самарадорлик ва сифат беш йиллиги планини бекаму кўст бажариш учун резервларни қидириб топиш ва ишга солиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технология жараёнларини такомиллаштириш, ҳамма жойда илғор иш усулларини жорий қилиш талаб этилади. Биз ўзимизнинг бундан кейинги бутун фаолиятимизда ана шу масалаларга алоҳида эътибор берамиз.

Бу йил бўлинмамиз темирйўлчилари юксак марраларга эришишга аҳд қилганлар. Зиммаларидаги социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга астойдил интилмоқдалар. Бу мажбуриятлар эса бутун коллектив ва ҳар бир темирйўлчидан фидокорона меҳнат қилишни талаб этади. Чунки биз йил давомида пландагидан ташқари 100 минг тонна, шу жумладан, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача ками билан 75 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бериш, вагонлар оборотини топширикдагига нисбатан олти минут ошириш, қўшимча 100 минг сўмлик фойда олишга аҳд қилганмиз. Ана шу ваъдаларнинг тўла уддасидан чиқиш коллективимиз ҳар бир аъзосининг муқаддас бурчидир.

З. ОЛИМЖОНОВ,
Тошкент темирйўл бўлинмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг машҳур сабзавоткор Абдураҳим Шерматовга йўллаган мактуби ва бу мактубда нознеъмат бунёдкорларининг меҳнатига берилган юксак баҳо «Қорасув» совхози ишчиларини янги зафарлар сари руҳлантириб юборди. Айниқса, тажрибали бригада бошлиғининг юбилей йилида сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилиб, уни инқилобнинг 60 йиллиги тўйигача бажаришга сўз берганлиги ҳақида ўртоқ Л. И. Брежневга мактуб йўллаганлиги совхозидаги бошқа бригада коллективларининг ғайратига-ғайрат қўшди.

Барча бригадалар ўртасида қизғин авж олиб кетган социалистик мусобақа иш суръатини жадаллаштириб юборди Абдураҳим Шерматов бошлиқ бригада ташаббусига биринчилар қатори қўшилган Аъзам Азимов раҳбарлигидаги сабзавоткорлар совхозининг иккинчи участкасида пешқадамликни ўз қўлига олди. Ташаббускорлар билан басма-бас меҳнат қилган бригада аҳли ўртаги ва ўртаги экинларни агротехник қоидалар асосида парвариш қилиб, ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирди.

Бригадада минерал ва органик ўғитлардан, сувдан ва мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланилганлиги туфайли давлатга сабзавот ва картошка маҳсулотлари сотиш йиллик планлари муддатидан илгари ортиғи билан адо этилди. Голиб бригада коллективи яқинда йиллик планда белгиланган 391 тонна ўрнига 400 тонна сифатли сабзавот маҳсулотлари сотиб, ғалаба рапортига имзо чекди.

Тажрибали картошкакорлар ҳам бор маҳоратларини ишга солиб бригада коллективининг умумий ютуғига баракали улуш қўшдилар. 5 гектар майдонга экилган картошкага уч марта комплекс ишлов берилиб, икки марта озиқлантирилди ва оби ҳаётга қондириб суғорилди. Натижада ҳосилдорлик кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Гектар бошига 160 центнердан ҳосил олиниб, бу борадаги план ҳам 147 процент адо этилди.

Сабзавот ва картошка тайёрлаш йиллик планларининг барча турлар бўйича ортиғи билан бажарилишида бригаданинг Мухит Каримов, Каромат Тешабоева, Тўхта Холматов, Ботир Ўтканбоев каби мириқиор деҳқонлари катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари билан етиштирилган сабзавот ва картошка маҳсулотларининг сифати юқори бўлди ва бригада коллективи ҳосилдорлик бўйича пешқадам ўринлардан бирини эгаллади.

Барча совет кишилари қатори СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиб, уни тўла маъқуллаб қўллаб-қувватлаётган илғор бригада аъзолари мавжуд имкониятларни ҳисоблаб кўриб, ўз зиммаларига янги оширилган мажбурият қабул қилишлар. Буюк инқилобнинг 60 йиллиги тантанали нишонланадиган кунгача давлатга яна 400 тонна сабзавот маҳсулотлари ва 30 тонна картошка топшириб, юбилей йилида икки йиллик планни бажаришга сўз бердилар. Айни кунларда давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш кизғин давом эттирилмоқда.

И. МИНАВАРОВ.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БАЙРУТ, 4 август. (ТАСС). Бу ерда Ливан — Совет дўстлиги жамиятининг ташаббуси билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрамини ўтказиш учун Ливан миллий комитети тузилди. Мамлакатнинг собиқ бош министрлари Р. Караме, А. Яфи, Т. Солих, А. Ал-Хафиз, таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари, машҳур шоирлар, ёзувчилар ва рассомлар бу комитет составига кирди.

Жамиятнинг президенти Х. Ҳусайни бу ерда ўтказилган қабул маросимида бундай деди: Совет давлати ташкил топганидан буён ўтган қисқа бир давр ичида Улуғ Ленин ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида жаҳоннинг энг йирик давлатига айланди. Бу давлат экономика соҳасида ҳам, маданият ва социал тараққиёт соҳасида ҳам эриш ган муваффақиятлари бутун инсониятни ҳайратда қолдирди. Совет халқи турмуш даражасининг муттасил юксалиб бораётганлиги деб таъкидлади у. Улуғ Октябрь ғояларининг тўғрилигини исбот қилади. Совет давлатининг ҳамма муваффақиятлари совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида қилган фидокорона меҳнати туфайли, шунингдек ташқи сиёсатининг ленинча принципларини — тинчликни мустаҳкамлаш, тинч-тотув яшаш ва бир-бирини ҳурмат қилиш принципларини амалга ошириш туфайли қўлга киритилди.

Совет Иттифоқи, деди Х. Ҳусайни, араб халқларининг Исроил томонидан босиб олинган территорияларни озод қилиш ва фаластинлик араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини тиклаш йўлидаги курашини доимо бегараз қўллаб-қувватлаб келаётганлигига бу халқлар ишонч ҳосил қилдилар. Бу ҳол Совет Иттифоқининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда, империализмнинг сионизм ва реакциянинг фитналарига қарши курашда араб мамлакатларига ҳар томонлама ва жуда катта ёрдам бераётганлигида ўз ифодасини топди. Шундай ёрдам берилмаганида, деб таъкидлади у, арабларнинг миллий озодлик ҳаракати империалистлар ва сионистларнинг агрессиясига қарши кураш олиб бораолмаган бўлур эди.

МАҚСАДЛАР БИРЛИГИ

ВАРШАВА, 4 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Гереклнинг Қримдаги учрашуви идеология муштараклиги билангина эмас, ундан келиб чиқадиган сиёсий мақсадларнинг бирлиги билан ҳам боғланган икки давлат раҳбарларининг дўстона учрашуви бўлди. Бу учрашув СССР билан ПХР ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди, деб ёзади «Жиче Варшавы» газетаси бугунги сонида.

Польша — Совет Иттифоқи — манфаатларининг муваққат иттифоқи бўлмай, бутун бир асрга мўлжалланган мустаҳкам заминга эгадир. Жаҳондаги барча тараққийпарвар кучлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини тантанали нишонлашга тайёрланаётган ҳозирги кунда уни ҳамма жуда яхши англаб турибди.

Тарихий мақсадларнинг муштараклиги, деб таъкидлайди газета, давлатларимизнинг халқаро майдондаги ҳаракат бирлигини ҳам белгилаб беради. Уруш йилларида энг кўп қурбон берган Совет Иттифоқи билан Польша бутун планетада мустаҳкам тинчлик ўрнатишга интилмоқда. Шу боисдан бизнинг мамлакатларимиз қуролсизланиш ва ядро қуролини тарқатмаслик, атом уруши хавфини йўқотиш масалаларига жуда катта аҳамият бермоқдалар. Ҳар икки раҳбар учрашув вақтида таъкидлаб ўтганидек, биз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, ана шу мақсадлар учун курашни тинмай давом эттираверамиз.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

РИМ. Италия суди нацист жиноятчи Вальтер Редерни умрбод турма жазосига ҳукм қилган эди. Эндиликда баъзи доиралар уни турмадан озод қилиш учун уринмоқдалар. Мардзаботони вайрон қилган ва унинг аҳолисини қириб ташлаган гитлерчилар отрядига раҳбарлик қилди. Жиноятчи, дейилади баёнотда, одамларни кўплаб ўлдиришда бевосита қатнашганлиги ҳамда ўтакетган вахшийлиги учун ҳукм қилинган эди.

КАРОЧИ. Покистон халқ партияси ижроия комитети икки кун давом этган муҳокамадан кейин Покистонда октябрь ойида ўтказиладиган парламент сайловида партиянинг иштироки тўғрисида қарор қабул қилди.

Партиянинг раиси З. А. Бҳуто журналистлар ҳузурида сўзлаган нутқида партия яқин орада ўзининг сайлов олди манифестини эълон қилади, деди.

З. А. Бҳуто Ларкана округидан (Синд вилояти) миллий ассамблеяга овозга қўйилиш қиятида эканлигини айтди.

ЛОНДОН. Бирлашган араб амирликлари ҳукумати мамлакатда спиртли ичимликлар истеъмол қилишни тамомила таъқиқлади.

Бу қонунга риоя қилмайдиган мусулмонлар 40 марта қамчилаш билан жазоланади. Ислом динида бўлмаган кишилар бундай ҳолларда 750 фунт стерлинг миқдорида жарима тўлашга ҳукм қилинади.

Жамоат тўпланадиган жойларда спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи ажнабийлар эндиликда икки ойдан тортиб олти ойгача, спиртли ичимлик сотувчи савдогарлар эса бир йилгача турмага қамалади.

(ТАСС, 5 август).





Тошкент районидаги Навоий номли колхоз йиллик сабзавот топшириш планини муддатидан олдин бажарди. Колхозчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб яна қўшимча 4 минг тонна сабзавот етиштириб беришга аҳд қилдилар. Суратда: (юқорида) илғор бригада бошлиғи А. Қорабоев (пастда) мажбурият ҳисобига маҳсулот топшириш пайти.

А. Авазов, Р. Шамсутдинов фотоси.

МЕТРО ҚУРИЛИШИДА

Репортаж

Биз Собир Раҳимов номли станцияга келганимизда, қуёш энди кўтарилган эди. Суҳбатдошим станция қурилишини оталиққа олган Собир Раҳимов район партия комитетининг вакили В. Сачков бу ердаги қурилиш ҳақида гапиряпти:

— Ҳов анави «Автосервис» магазинини кўряпсизми? Ўша ердан биз турган жойгача, яъни метрополитен депосигача 350 метр. Станциянинг узунлиги шунча.

Туннель зина орқали сарой ичига кирамиз. Зинадаги пардозлаш ишлари ниҳоясига етган. Ҳаммаёқ мармар ва гранит билан қопланган. 2-вестибюлда А. Халиманоў бошлиқ мармарчилар бригадасини иш устида учратдик. Улар вестибюль полига мармар ётқизишаётган экан. Станциянинг мармар ва гранит ишларини шу бригада коллективи бажарган. Сарой безагига қойил қоласан, киши. У жуда гўзал ва мафтункор. Шунинг учун ҳам Алексей Фёдорович бошлиқ бригада аъзоларидан миннатдор бўласан.

— Мармар ва гранитлар қаердан келтирилган? — қизиқдик биз.

— Асосий таъминловчилар Ўрта Осиёдаги Ғазалкент, Ғозғон, Оқтов ва Нуротанинг гранит-мармар заводларидир.

Иккинчи вестибюлдан яна зина орқали платформага тушамиз. Унинг узунлиги 102 метр. Бу ердан йўловчилар ерости поездига тушадилар.

Платформада жигарранг гранитга бадиий-ўймакорлик билан ишланган 6 та лавҳа кишини ўзига ром этади. Эксперименталь ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатида ўз умрини гоп-ган бу лавҳаларга узоқ тикилдим. Мана, ўз ўғлини интизорлик билан кутаётган она образи. Бу лавҳа Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладасидаги она образини ёдга солади.

Иккинчи лавҳа фронт ичкарисини акс эттиради. Унда 12—13 яшар ўспирин ва етмишларга кирган бобо сиймоси тасвирланган. Мен нимагадир лавҳалардаги қаҳрамонларни адабий асарлардан қидиргим келди. Отани «танидим». У Асрор бобонинг худди ўзи эди...

Ана, миллион — миллион совет халқи сабр-матонат билан кутган «Ғалаба» лавҳаси...

Бу лавҳаларни томоша қилиб, бенхтиёр ҳайкалтарош Қодир Салоҳиддиновга «Офарин!» дегинг келади...

Станция тематикаси Улуғ Ватан уруши даврини акс эттиради. Платформанинг ёритгич чироқларига жанговар орден ва медаллар бириктирилган. Бу ерда 1-қурилиш монтаж бошқармасига қарашли Зокир Абдуллаев бошчилигидаги пардозловчилар бригадаси ишлаяпти. Улар платформанинг ўнг устунлар тиралган шифтида суворов ишларини ниҳоясига етказаяптилар. Бригада аъзоларидан Жаҳонгир Тожиев, Зуҳриддин Миржалилов, Исроил Холмирзаевларнинг ишларини томоша қилиб завқланасан киши. Андавани шундай моҳирлик билан юргизишяптики, гўё мармар ётқизилгандек тептекис...

— Платформадан 1-вестибюлга кўтарилишдаги зина панносида биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг олтин зарҳал берилган барельефи ўз аксини топади,— дейди ҳамроҳим,— вестибюлнинг орқасида подстанция жойлашган. Буни метрополитеннинг электр станцияси маркази деса бўлади. Чунки, метропоездлар қувватни худди шу ердан олади.

«Чилонзор» станциясини боғловчи ер ости тоннели бошланди. Худди шу ердан то кейинги станцияга масофа 1753 метр. Катта тезлик билан келаётган поезд ўзи билан ҳаво оқимини ҳам олиб келади. Мана шу ҳаво оқими платформага ўтмаслиги учун тўсиқлар ўрнатилмоқда.

Собир Раҳимов районининг кўрсатган оталиқ ёрдамини алоҳида таъкидлаш керак. Шу йилнинг бошидан бери улар 300.000 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди.

Собир Раҳимов станциясининг 300 кишилик қурувчилар армияси ягона мақсад сари интилаяптилар. У ҳам бўлса станцияни тез ва сифатли қўлдан чиқариб, Улуғ Октябрь байрамига муносиб меҳнат зафарлари билан боришдир.

Н. ХОЛИҚОВ.



Инглиз оккупация қўшинлари етти йилдан кўпроқ вақтдан бери Шимолий Ирландияда террор ва репрессияларни авж олдирмоқдалар. Суратда: Британия хавфсизлик кучларининг вакиллари Ольстер кўчаларини кўриқлаб турибдилар.

ТАСС фотохроникаси.



Республикамиз пойтахтининг Чорсу майдони яқин бири бўлиб қолади. Ушбу суратларда шу ерда қад меҳмонхонаси лойиҳасини кўриб турибсиз. келажакда шаҳарнинг энг гўзал ва кўркам жойларидан кўтарадиган марказий дорихона ва кўп қаватли Чорсу

Ю. Бутусов фоторепродукцияси.

ХАДРАНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

РЕПОРТАЖ

ҚУББАДОР цирк биноси пештоқида, атрофга ўзгача файз бериб кўкка отилаётган фаввора зарраларида қуёш нурлари жилвалана бошлади. Эрталабданоқ Хадра майдони гўзал қиёфа касб этган. Бу ер кўҳна Тошкентнинг энг қадимий майдонларидан бири. Уни ҳақли равишда пойтахтнинг «иккинчи маркази» деб аташади. Навоий, Фурқат, Ҳамза, Аҳмад Дониш проспектлари кесишган бу чорраҳа эрта тонгдан ярим тунга қадар гавжум.

Икки томонида адл чинорлар саф тортган Навоий проспектидан машиналар гўё оқиб ўтаётганга ўхшайди. Чорраҳада эса пиёдалар светофор чироғи ўчиб-ёнишини сабрсизлик билан кутиб туришибди.

Йўловчилар ва ҳайдовчилар бу ердан ўтишаётганда чорраҳада пиёдалар учун қурилаётган ерости йўлига умид билан қараб қўйишади. Транспорт қатнови жадал кўпаяётган ана шу чорраҳада ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундан икки йил аввал ер ости ўтиш йўли қурила бошлаган эди.

— Бу ерда ерости коммуникациялари ниҳоятда кўплиги учун қурилиш ишларини жадаллатиш қийин бўлди, — дейди «Узбекэнергострой» трести ихтисослаштирилган ишлар бошқармасининг участка бошлиғи Ф. Нагаев. — Газ, водопровод, электр, айниқса трамвайлар қувват олувчи энергия линиясининг ўз вақтида олинманглиги сабабли қурилиш ишлари чўзилиб кетди.

Майдондаги инженерлик коммуникациялари ва электр линиялари олингач, ер ости йўлаги қурилиши жадаллатиб юборилди. Навоий проспектида транспорт ҳаракатини тўхтатмасдан иш олиб борилаётганлиги учун ҳам ерости йўлаги қурилиши босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Шу кунга қадар иншоотнинг асосий қурилиш ишлари бажариб бўлинди. Навоий кўчасида ҳаракат қилаётган трамвайлар бекати ҳам ерости йўлаги юқорисида жойлашади. Ҳозирга қадар қурувчилар иккита трамвай бекати ва ундан ерости йўлига олиб тушадиган зинапоялари қуриб бўлишди. Иншоотнинг асосий қисмида эса «Ташэнергострой» трестининг қурилишмонтаж бошқармаси пардозлаш ишларини жадал олиб бормоқда.

— Бу Тошкентдаги энг йирик ер ости йўлаги бўлади, — дейди пардозловчилар участкаси бошлиғи Ю. Н. Мамонтов. — Уч қаторли ўтиш йўли пиёдалар хизматида бўлади. Биз пардозловчилар Ҳадра майдони ҳусниға-ҳусн бўлиб қўшиладиган ана шу иншоотни жозибали қилиб безаш учун ҳаракат қиляпмиз.

«Ташгенплан» институтининг В. Приходько (лойиҳа бош архитектори) ва М. Арзуманянц (лойиҳа инженери)лардан иборат меъморлари яратган лойиҳа асосида қурилаётган ерости йўлагида турли савдо шохобчаларини жойлаштириш ҳам кўзда тутилган. Чиройли устунлар билан ажратилган кенг, уч қаторли йўлакнинг бир қаторида газета, китоб, дори-дармонлар, ширинликлар ва бошқа нарсалар билан савдо қилувчи дўконлар ўрин олади. Шуниси диққатга сазоворки, бу савдо шохобчалари ерости йўлагида катта жойни банд қилмайди унга фаиз қўшади.


«Узбекгидроэнергострой» трестининг қурувчилари Ҳамза кўчаси томонга олиб чиқадиган зинапоялари қурилишини жадал олиб боришяпти. Фурқат кўчаси томонга чиқиладиган зинапояларга эса мармар ва гранит билан сайқал берилаяпти. Йўлакнинг деворлари, шифти ва полларига ҳам турли хил нақшлар, манзарали безаклар солинмоқда.

Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган «Узбекгидроэнергострой» трестининг А. Коробов бошлиқ комплекс монтажчилар бригадаси Улуғ Октябрининг 60 йиллигига қадар объектни фойдаланишга топширишга аҳд қилган. Шунинг учун ҳам иш икки сменада олиб борилаяпти. Бригаданинг Т. Акеев ва С. Сальников сингари 5-разрядли монтажчилари смена топшириқларини 150 процентдан ошириб адо этишяпти. Айни пайтда шаҳар ихтисослаштирилган йўл эксплуатация трестининг М. Саттаев бошлиқ йўлсозлари кўчани асфальтлаш, йўл четларига тўсиқлар ўрнатиш ишларини жадаллаштирмоқда.

Ҳозир «Ташгенплан» институти меъморлари майдон ёнидаги мавжуд бетқоқ иликлар ўрнида қуриладиган ёзлик чойхоналар, фонтанлар, дам олиш зоналари лойиҳаси устида ишлашмоқда. Бундан ташқари, транспорт ҳаракати ниҳоятда интенсив бўлган бу чорраҳада Фурқат ва Аҳмад Дониш проспектларидан келаётган машиналарни майдон тагидан ўтказиш кўзда тутилмоқда. Ҳозир «Ташгипротранс» институти меъморлари тузилиши жиҳатидан анча мураккаб бўладиган ана шу транспорт тоннели лойиҳасини тайёрлашмоқда. Чорраҳанинг трамвай депоси томонида эса меъморчилик обидалари музей шаҳарчаси қурилиши режалаанган.

Ҳа. Ҳадра майдонининг истиқболи порлоқ. У яқин келгусида пойтахтимизнинг энг гўзал, жозибали архитектура комплекслариданбирига айланади.

М. АБДУЛЛАЕВ.



Янги шеърлар

САҲРО ҲАЁЛИ

Кўкрагимни кериб бораман
Сап-сариқ қум барханларига.
Керилиб бораман,
Заъфарон юз,
Заъфарон ой,
Заъфарон кун
Миниг ишва, сафо билан
Тўлганиб-тўлганиб қаршилар.
Қарши бораман!
Умидвор ўйларим тусига кириб,
Қорли тоғлар,
Гул боғлар,
Сўл-соғлар ям-яшил
Заъфарон қумлар тушига кириб,
Яқин кишим бўлиб худди,
Ўлиб-тирилгудай,
Буралиб,
қучоқ очар менга меҳрибон.
Бораман қарши!
Ҳақиқатга ўхшаб кетар экан,
дейман энтикиб,
Дейман энтикиб,
Милдир-милдир,
Моник-момиқ,
Қайноқ-қайноқ
Кўзлари,
Юзлари
Сўзлари унинг
Онам ўгитларидек,
Бунча сеҳрлар экан!
Нега «ув» тортади менга келганда,
«Оҳ» тортганга ўхшатиб-
Энтикади менга, баҳор деб.
Эгилади шундоқ пойимга атай.
Қўйнимга, қўйжимга:
Дилимга, тилимга
Кириб келар иссиқ-иссиқ,
Кириб келар ризқу-рўзимга.
Кириб келар менинг ўзимга.
Кўмиламан офтоб ранг унга, —
Айланаман сап-сариқ қумга.
Бронза ҳайкалига айланаман мен.
XX-ичи асрдан ёдгор...
Шовуллайди азим дарё,
Баҳорга айланар саҳро,
Бахтимга ўхшар дунё.
Кулиб қараб туришар яйраб,
Гулдасталар қўйиб пойимга менинг
Саҳро,
Дарё,
Дунё!

Чўлпон ЭРГАШ.

ТОҒЛАРГА БОРАЙЛИК

Юр дўстим, бизларни тоғлар
кутмоқда,
Бугун йўлимизга гуллар интизор,
Қара, қир-адирлар лола тутмоқда,
Юр, дўстим дилга ҳам кўчсин
гулбаҳор.
Сен ҳам юрагингдан ёниб қўшиқ айт,
Мен ҳам тўкажакман дилда борини,
Дилларни титратсин бунда ҳар
бир байт,
Кел, бирга созлайлик кўнгил торини.
Далалар гилами эртакдай тансиқ,
Бир-бир босганча биз юрайлик шодон.
Дўстим, тоғлар бизни кутмоқда интиқ
Бормасак бир умр дилларга армон.
Юр, кафтлар туташсин, борайлик
бирга,
Қўшиқ бўлиб қолсин изларимиз ҳам,
Атроф тўлиб борар кундан-кун нурга,
Юр дўстим, қолмасин дилда
ғубор-ғам,
Гулларга кўмиб сен яйрагил шодон,
Мен-чи, мен оҳудай чопайин жўшиб,
Куйчи булбуллар ҳам қолсинлар
Биз бахтдан тебраниб бошласак
қўшиқ.

Анора ПАРДАБОЕВА.

КАМТАРГА КАМОЛ

● КИМКИ хушмуомала бўлса, камол топади.
КОШИФИЙ.

● БАҚИРИШ — адолат ва куч белгиси деганлар адашади.
В. ШЕКСПИР.

● АЙРИМ одамларга разм солсангиз, улар ҳеч кимни ёқтирмайди, ҳеч кимдан кўнгли тўлмайди. Аслида бу одамларнинг ўзидан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмайди.
Ж. ЛАБРЮЙЕР.

● ИНСОННИ иззат-ҳурмат қилишдек олижаноблик бўлмайди.
А. П. ЧЕХОВ.

● КЕККАЙИШ, кам мулоҳазалилик ўзини-ўзи билмасликнинг маҳсулидир.
Д. АДИССОН.

● САМИМИЯТ инсоннинг энг олижаноб фазилатларидан биридир. Ҳақиқатдан ҳам у инсоннинг табиатдаги мавқеига муносибдир.
Т. ҚОРИ-НИЕЗИЙ.

● САБР қилдинг, дам ҳам олдинг, ҳавода нафас тортдинг. Сабр ва тиришиш денгиз ва гавҳар сингари ҳар иккаласи ҳам керакдир.
А. БЕДИЛ.

● ЯХШИ одам сўз маъносини англайди,
Емон одам бузуқ
сўзни тинглайди.
Б. БЕРДАҚ.

РАССОМ ХАНДАСИ



ГИЙБАТНИСО: — Нечук бугун ўтиришларингиз тез тарқадди!!

ГИЙБАТУЛЛА: — Бу гал ҳамма битта қолмай етилди — гийбат қилишга одам топилмади...




— Ҳа-ҳа-ҳа! «Муштум»да териси қалинларни роса боплашади-да!..



— Мени деб хотинингизни ёлғиз қолдирмоқчимисиз!!
— Нега ёлғиз бўларкан — тўртта боласи билан...



— Э-э-э! Ўртоқ начальник! Штрафга пулим бўлганида «юзта» отган бўлардим...



Соёбонсиз бекатда...

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

ЯРИМ ФИНАЛГА ЧИҚИШДИ

Францияннинг Монпелье шаҳрида ёш волейболчилар ўртасида Европа чемпионатининг учрашувлари давом этмоқда. Бу мусобақаларда Совет Иттифоқи вакиллари муваффақият билан қатнашмоқдалар.

Дастлабки учрашувларни юксак савияда ўтказган волейболчиларимиз ярим финалга йўлланма олдилар. Финалда польшалик тенгдошлари билан куч синашадилар.

Иккинчи ярим финал қатнашчилари ҳам маълум бўлди. Бунда Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия спортчилари майдонга чиқадилар.

ҒАЛАБА ВА МАҒЛУБИЯТ

Чимзор хоккейи бўйича олий лига командалари ўртасида СССР чемпионати тугай деб қолди. Бу мусобақаларда мамлакатнинг энг кучли ўн коллектив қатори Андижоннинг «Меҳнат» командаси ҳам иштирок этяпти.

Навбатдаги тур ўйинларини андижонликлар Бокунинг «Буревестник» командаси билан ўтказишди. Биринчи ўйинда Узбекистон хоккейчилари бокуликларга 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Лекин индинига мағлубият аламини олдилар. Андижонликлар «Буревестник» командаси дарвозасини икки марта аниқ нишонга олиб, қимматли очколарни қўлга киритишди. Ҳозир «Меҳнат» хоккейчилари 26 та очко билан саккизинчи ўринда боришмоқда.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Болалар учун эртак. 11.00 — Ота-оналар сизлар учун. 11.30 — Тонгги почта. 12.05 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.35 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 13.05 — Концерт. 13.30 — Мультфильм. 13.35 — Табиат ва инсон. 14.05 — Адабий ўқиш. 14.40 — Мусиқали абонемент. 15.15 — Спортлото. 15.25 — «Здоровье». 15.55 — «Парад-Алле». 16 (бадиий фильм). 17.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 18.15 — Сизнинг хонадонингизда (мусиқали программа). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильмлар. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — 1977 йил қўшиқлари. 20.40 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.55 — «Ҳозирги одам» (бадиий фильм, 4-серия). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Кинопанорама. 00.10 — Концерт. 00.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Телеминиатюралар. 11.00 — «Юлдузча». 11.30 — «Ёрилтош» (спектакль). 13.10 — Кинокузгуда — ҳаёт. 13.55 — «Бураттинонинг саргузашти» (бадиий фильм, 1-серия). 17.30 — Самбо бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР — Монголия. 18.20 — Фильм-концерт. 18.45 — Санъат гунчалари. 19.15 — Ҳаётга йўл излаб. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Концерт. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Кўйланг ёш хонандалар. 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.45 — «Бахтли одам» (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6|VIII да Парвона, 7|VIII да Ўғирланган умр.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «НУКУС — Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин бозғон (кундуз ва кечқурун).

Балогатга етмаган ёшлар — «ДРУЖБА», «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Куёв ва келин — «ДРУЖБА», «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЭЗГИ БИНОДА

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин бозғон — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Балогатга етмаган ёшлар — «ХИВА» (21.00).

МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ИХТИРОЛАР ВА КАШФИЁТЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИ БУТУНИТТИФОҚ МАРКАЗИЙ ПАТЕНТ ХИЗМАТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

ПАТЕНТ ХИЗМАТИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ ЮЗАСИДАН 1978 ЙИЛГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗМОҚДА.

Хизматнинг турлари тўғрисида ва шартномалар тузиш бўйича маълумотлар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат этилсин:

700115, Тошкент шаҳри, Самарқанддарбоза кўчаси, 62-уй, Телефон — 44-23-78;

712012, Фарғона шаҳри, Қориниёзов кўчаси, 64-уй. Телефон 40-735.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА МОСКВА АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ «СУВДА ЦИРК» АТТРАКЦИОНИ

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ МУШАКБОЗЛИК ТОМОШАЛАРИ.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Тошкент область ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси коллективи Калинин район ички ишлар бўлимининг замполити, милиция катта лейтенанти Тоҳир Деҳқонбоевич АБИЛОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

КУНДУЗИ УЧГАН КЎРШАПАЛАКЛАР

БУ НОДИР нарса криминалистика музейидан ўзига яраша ўрин эгаллаши мумкин эди... Аммо у ўғирланди. Устига-устак куппа-кундузи одам ўлдирилди. Қотилларнинг ваҳшийлиги тўпланганларни танг қолдирди. Одамлар, машиналар, телефонлар, телетайп аппаратлари, рациялар ҳаракатга келди. Қочмоқ ва қувмоқ. Бу икки тушунча ўртасидаги мавҳумотни равшанлантириш ва тўлдириш осон иш эмас эди...

ТАШВИШЛИ ҚЎНҒИРОҚ

ФЕВРАЛЬ ҚУЁШИ рутубатли ҳавони эринчоқлик билан илитмоқда. Симобий нур зарралари кўзни қамаштиради. Оператив-навбатчилик қилаётган аёл соатига қаради. Уч бўлибди. Шу аснода стол устидаги кўк лампочка жонсарак липиллаб қолди. Трубкадан ёш боланинг ўта ҳаяжонли овози эшитилди:

— Тезроқ, тезроқ, келинглар!.. Дадамни ўлдириб кетишибди!..

— Адресингиз?— деди телефонистка. Айтилган жой пойтахтнинг марказий гавжум кўчаларидан бири эди.

Қотиллик! Яна куппа кундуз куни! Фавқулодда жиддий ҳодиса!.. Жиноят содир бўлган ерга навбатчи наряд жўнаб кетди. Шаҳар ички ишлар бошқармасининг масъул ходимлари ва прокуратура терговчиси ҳам ҳалемай етиб келишди.

Уй олдида бир нечта одам. Пиғидан ўзини босолмаётган ўн беш ёшлар чамасидаги бола гапирмоқда эди:

— Дарсдан уйга қайтдим. Қарасам, ҳовли бесаранжом. Югуриб хонага кирдим. Нарсалар сочилган, далам ошхонада боғлик ётибди. Телефонга ташландим, узук. Кейин ёнимиздаги болалар богчасига югурдим.

Хонага кирган милиция ва прокуратура ходимлари ҳайратга қолишди. Хаммаёқ алғов-далғов: кийим-кечаклар, идиш-товоқларнинг синиқлари, китоблар ерда патраб ётарди. Мурда кўздан кечирилди. Судмедэксперт жабрланувчи тахминан бир ярим соат муқаддам, тўмтоқ нарса билан урилган зарбалардан ўлган, деган хулосага келди.

Исковчи ит изга қўйилди. Лекин у Пушкин кўчаси билан кесишган чорраҳага борганда бирдан тўхтаб, гир айланиб қолди. Кейин буёғига оҳизман дегандай гиншиб қўйди... Катта йўлдан ўнлаб автобуслар, троллейбуслар, енгил автомашиналар гизиллаб ўтиб туришарди. Жиноятчилар, шубҳасиз, бирон бир транспортда қочиб кетишган.

Жиноят-қидирув ходимларининг ҳонани қаричма-қарич текширувдан ўтказа бошладилар. Бироқ, китоб жавони деворидаги уч-бармоқнинг догидан бошқа ҳеч қандай из топилмади. Жиноятчилар кўлқоп билан ишлашибди!.. Оператив техника бўлими эксперти шундай қарор чиқарди.

Бу нима ўзи — қотиллик ми, ўғирликми? Ўлимнинг сабаблари қандай? Уйлаи нималар тойиб бўлган?.. Энг аввало ана шу саволларга жавоб топмоқ керак эди. Марҳумнинг ишдан қайтган рафиқаси лом-мим дея олмади. Ғам-гусса чангалида қолган аёл бечора эрининг жасади устига мук тушиб қолди... Бир пав ўзига келган аёл хонада бор нарсаларни хотирлай бошлади. Йўқолган ашёлар рўйхати тузилди.

Ҳа, бу, шубҳасиз, ўғирлик эди!

Босқинчилар ким?.. Бу муаммога жавоб топиш жуда мушкул эди... Жиноятчиларни қидириш ва аниқлаш ишлари бошланди...

Жиноят-қидирув бўлими бошлиғи У. Тожихонов хонасида Ш. Д. Успанов, В. Н. Черенданов, А. И. Шестак, В. И. Рожаев, Н. П. Андреев, В. Н. Кошубин кабилар маслаҳатга тўпланишди. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг устаси. Бир йил эмас, балки, йиллаб қийин ишларни очишда, маккор жиноятчиларни қўлга туширишда тажрибалар тўплашган.

— Ўртоқлар, кенгашиб олмасак бўлмайди,— дея гап бошлади Убайдулла Тожихонов.— Ўғрилар оддий эмас, қилни қирқ ёрадиганлар тоифасиданга ўхшашяпти...

— Тўғри,— гапга аралашди ўтирганларнинг қариясн Шодмон Дербасович.— менинг фикримча ҳам шундай. Арзийдиган иш учун таваккал қилишган. Калавасининг учини топиш осон бўлмас...

— Албатта, албатта, фақат тезроқ топишимиз керак.

Ҳар каллада ҳар ҳаёл. Йиғилганлар ўзларининг турли-туман тахминларини, гумонларини ўртага ташлашди.

Бошқарма бошлиғи ҳар бир киши зиммасига аниқ-равшан вазифалар юклади. Ҳамма тарқалди. Улар ҳозир уй-уйларига жўнаб кетишади. Аммо... Ҳеч ким уйқу нималигини билмайди. Миядя саволлар гужғон ўйнайди... Кимдир кундузги воқеаларни хаёлан қайта тиклайди. Айрим гувоҳларнинг берган узуқ-юлуқ гапларини, бири-бирига қарши сўзларини эслайди. Баъзилар уйга иккита ёш йигит кирди деса, баъзилар уч киши эди улар, дейди. Кимдир дарвоза олдига машина келиб тўхтаганини айтади. Бироқ, унинг маркасини, рангини, номерини билмайди... Шу дақиқаларда прокуратура ходимлари ҳам зўр бериб бу масала устида бош қотиришарди. Ҳаммаҳаммада бир хил ўй, бир хил ташвиш...

Тунги соат ўн бирлар чамаси. Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи генерал-майор И. Г. Сатторов ўз хонасила Тожихонов сўзларини тингламоқда... Ҳа, генералнинг иши кўп, у куни бўйи озмунча воқеаларни бошидан кечирмайдими? Чарчаган бўлиши мумкин... Йўқ. У ҳамиша ғайрат-шижоат билан ишлайди. Унинг бироз ҳаяжонланган мулойим юзларида, ўткир кўзларида қандайдир маъно ўйнайди... Лекин шу онда у бироз норози. Зотан, орадан анча-мунча вақт ўтган бўлса ҳам кундузги қотиллик ҳақида тузукроқ маълумотлар олинмади. Ҳаракат кўп, натижаси оз.

— Убайдулла Тожихонович,— деди генерал йўлдан туриб хайрлашаркан,— ҳар секунд жиноятчилар фойдасига ишлайди. Вақтни бой берманг. Эртадан бошлаб ишни икки-уч баравар тезлик билан юргазинг... Марҳамат, сиз бўлсиз.

— Хўп бўлади, ўртоқ генерал. Хайр.

Убайдулла Тожихонов бошқарма ҳовлисидан ўйчан юриб борар экан, эти бироз жунжикди. У беихтиёр осмонга тикилди. Чарақлаб милтиллаётган юлдузларга суқланиб қаради. Унинг лаблари сўзсиз пичирлади.

«Эҳ, одамлар, одамлар... Бир яхши инсонни бугун мафтункор олам жозибасидан маҳрум қилдингиз. Ўзингиз ҳам қўлга тушасиз, йиллаб юлдуз кўрмас жойга жўнайсиз. Сизларни кўршапалак деб бежиз айтишмас эканларда... Тавба...».

Эрта ҳам келди. Яна югур-югур бошланди. Кимдир илгари очилмай қолган ишлар билан шуғулланишга киришди. Кимдир кундузи ўғирлик қилганларнинг «фаолияти» билан таниша бошлади. Кимдир «кўршапалакларнинг усулларини» излайди. Кимдир йўлма-йўлакай бошқа жиноятларни фош этади... Аммо ўн беш яшар боланинг отасини кимлар ўлдирган, деган савол ҳамон муаллақ қолмоқда эди.

(Давоми бор)

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 14453. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1678.